



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
бўйук
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 26 май, № 102 (4255)

Шанба

Хукуматимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар туфайли мамлакатимиз энгил саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ошиб бораёпти. Шу билан бирга, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган хилма-хил маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора хариддоригр бўлмоқда.

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номили ип-йигирув ва тўкув акциядорлик жамияти шундай корхоналардан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бу ерда 5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.

Ҳозирда корхонада минг нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларга барча шарт-шароит яратилгани маҳсулот сифати ва ҳажмини оширишда муҳим омил бўлмоқда.


Тайёр маҳсулотлар эса Россия, Туркия, АҚШ, Чехия, Бельгия, Жанубий Корея каби ўнлаб хорижий давлатларга экспорт қилинаёпти.

СУРАТДА: пиликлар цехи ишчиси Матлуба Хожиева.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат.



ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ДАСТУРИ



"Ўзбекистон" нашриётида Президент Ислам Каримовнинг "Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш — барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсадидир" деб номланган китоби чоп этилди.



Ушбу тўпلامдан давлатимиз раҳбарининг 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқули ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари бўйича кейинги пайтда қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорлар ҳамда "Иқтисодий ҳимоя йили" Давлат дастури ўрин олган бўлиб, уларда юртимизда 2000-2006 йиллар мобайнида турли соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан натижа ва кўрсаткичлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган, шу асосда зарур сабоқ ва хулосалар баён қилинган.

Айни пайтда 2007 йил ва яқин келгусида иқтисодий-иқтисодий соҳада амалга оширилиши мўлжалланган мақсад ва режаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги долзарб вазифалар ҳам аниқ-равшан белгилаб берилган. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш учун мавжуд барча омил ва салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, ҳали-бери ишга солинмаган куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, бошлаган ижобий ишларимизни изчиллик ва қатъият билан давом эттириш зарурлиги таъкидланган.

Бу эзгу мақсадларга эришиш ҳақида сўз юритар экан, олдимизда турган кенг қўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартлари сифатида Президентимиз кўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратади.

Биринчидан, ана шу дастурий вазифаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-маъмунига етиб боришимиз лозим. Давлат раҳбаридан тортиб ҳар бир фуқарогача уларни ҳаётга жорий қилишни ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Иккинчидан, кўзлаган марраларимизга етиш учун шу юрда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда, белни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилиши даркор. Бу улғув мақсадлар барчамиздан — масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва оқойиш ҳаётимиз посбонлари бўлиши зарур бўлиши, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар бир юрдошимиздан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилан адо этишни талаб қилади.

Учинчидан, шу муқаддас заминда биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон

ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва фидойийлик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Тўртинчидан, биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладини, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладини — қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайд.

Лекин, бу муваффақиятларга махлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчиликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам ҳолисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорча, дўсту душманни ажратиб олишимиз, доимо сўзгир ва оғош бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳануз сақланиб қолётган хавф-хатарларга оқибат қўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришимиз шарт.


Бешинчидан, бизга ҳаммиса маънавий куч-қувват берадиган миллий кадрларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачигидай асраб-ашиқлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч тўғрисида ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда "Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фарқланамиз, биз уларга муносиб бўла оламизми?" деган давваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.

Мутасарр қилиб айтганда, ушбу тўпلامда чуқур асослаб берилган концептуал ёндашув ва қарашлар, амалий фикр ва хулосаларни Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш бўйича устувор йўналиш ва ислоҳотларни амалга ошириш дастури, десак, ҳар томонлама тўри бўлади. Ушбу дастурдан бугунги жамиятимизнинг барча жаҳба ва қатламларида меҳнат қилаётган юрдошларимиз, бутун халқимиз ўзининг оруз-интилишлари, ҳаётий манфатлари билан боғлиқ қўллаб-қувватларга жавоб топиши муқаррар.

(ЎЗА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Кўйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги ҳамда "Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги қонунларнинг Хоразм вилоятидаги ижросига бағишланди. Унда Маданият ва спорт

ишлари вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, "Ерғодезқадастр" давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда тегишли ҳудудий бошқармалар раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Хоразм воҳаси ўзининг бой тарихи, бетакрор осори-атикалари билан азалдан донг таратган. Мазкур ўлкада жойлашган маданий мерос объектларини қайта тиклаш, уларни асраб-авайлаш ишларига истиқлол йилларида алоҳида эътибор қаратилаётди. Хусусан, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, "Авесто"нинг 2700 йиллиги, Жалолддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда нишонлаш

мақсадида амалга оширилган юксак даражадаги тадбирлар ушбу хайрли ишлардандир. Йиғилиш иштирокчилари ана шуларни эътироф этар эканлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, вилоятдаги маданий мерос объектларига хос муаммо бу ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиб кетаётганидир. Оқибатда шурланши даражаси кучайиб, биноларнинг сақланишида салбий ҳолатлар кузатишмоқда. Маданий мерос

объектларининг номланишида ҳам ноаниқликлар бор. Яъни, турли мутасадди идоралар, ташкилотлар расмий ҳужжатларида мазкур объектлар номи турлича, шунингдек, ўзбек тили грамматикаси талаб-қоидаларига эид тарзда ёзилмоқда. Бундан ташқари, аксарият маданий мерос объектларининг ханузгача "Ерғодезқадастр" давлат қўмитаси рўйхатидан ўтказилмагани таъкид қилинди. Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қўмита қарори қабул қилинди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг йиғилишида "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг республикада таъмирлаш ва коммунал хизматлар реал бозорини шакллантириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан амалга ошираётган ишлари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан бу борада муайян ишлар олиб борилган. Бироқ ҳали бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, коммунал соҳада рақобат муҳити секинлик билан шаклланаётгани қайд қилинди. Кўпчилик тадбиркорлик ташкилотлари яққа(монопол) тарзда хизмат кўрсатаётгани туфайли хизматлар нархлари ва тарифларнинг ўсиши кузатишмоқда. Қўлаверса, рақобатнинг мавжуд эмаслиги хизматлар сифати ҳам таъсир кўрсатаётди.

Республикадаги ширкатларнинг асосий қисми уларни бошқариш ва сақлаш, хизмат кўрсатиш бўйича ишларни ўз қуллари билан амалга оширишяпти. Таҳлиллар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) ва бошқарув компаниялари ўртасидаги шартномавий муносабатларда камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатди.

Қўмита йиғилишида кўрилган масала юзасидан қабул қилинган қарорда коммунал хизматлар бозорини шакллантиришда "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, жойлардаги давлат ҳукумат органлари, ширкатлар ўз ишида уй-жой мулкдорларининг ролини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриши лозимлиги қайд этилди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Университетдаги учрашув

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Покистон Ислам Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси Мир Ҳазархон Бижароний раҳбарлигидаги парламент делегацияси 25 май кўни Тошкент ислом университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом таълимчилиги (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларни тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсати бераётган самаралардан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Покистонлик меҳмонлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасида бўлиб, у ерда сақланаётган ноҳир китоблар, қўламалар билан танишдилар. Ҳазрати Имом (Ҳасимий) меъморий маъмури, Шайх Хованд Тахур ва Қалдирғочбий макбараларини зиёрат қилдилар.

Ноҳира МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири.

Фузур-Қўнғирот-Бейнов "А-380" халқаро йўлининг Бухоро вилояти ҳудудидан ўтувчи қисми жорий таъмирлашни қарамай, қатновлар оқими тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда талабга жавоб бермай қолган эди. Шунинг учун мазкур йўлнинг дастлабки 10 километрда кенг қўламли реконструкция ишлари амалга оширилди.

Янги ва равон йўллар

Газли йўлсозлик корхонаси ушбу объектада 2 миллиард сўм миқдорда бунёдкорлик ишларини бажарди. Эни етти метр бўлган трасса икки баравар кенгайтирилди. Кафдтеқ текис йўлда автотранспортларнинг бемалол ҳаракатланиши учун имконият яратилди.

— Объектнинг навбатдаги

25 километрини ҳам реконструкция қилаямиз, — дейди Газли йўлсозлик корхонаси директори Саъдулла Абдуллаев. — Реконструкция ишларини йил охиригача тутатишни мўлжалламоқдамиз. Бунинг учун ишчи кучи ва техниканинг етарли.

Э.Едгоров,
ЎЗА мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2007 йилнинг биринчи чораги яқунларига кўра, республикада кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши **33,2** фоизгача кўпайди

Тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш кафолатланганиги, тадбиркорларга имтиёзлар берилганиги, уларнинг кредит ва хомаша ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайганиги, текширишлар сони камайганиги, давлат рўйхатига олишда хабар қилиш механизми жорий этилганиги, маҳсулот ва хизматларни сертифицикация тартиби бирхиллаштирилганиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имконини берди.

Олтин медаль билан қайтишди

Саратов шаҳрида табиий институтлар талабаларининг аънанавий ўн тўртинчи илмий конференцияси ўтказилди.

Болалардаги жарроҳлик, анестезиология ва реаниматология касалликлари муаммоларига бағишланган ушбу тадбирда Самарқанд медицина институтини талабалари ҳам иштирок этишди. Жери хайъати СамМИ госпиталда болалар хирургияси кафедраси мудири, профессор А. Шамсиев шогирдлари маърузаларини, илмий ишларини юқори баҳолади. Талабалар олтин медаль, битта биринчи, битта иккинчи ва учта учинчи даражали диплом билан тақдирландилар.

Абдурасул САТТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОРЕЯДА ЎЗБЕКISTON БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИККА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Сеулда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати тармоғидаги сармоявий имкониятлари мавзюга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда Корейнинг икки юздан ортиқ компания ва муассасаси вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э.Фаниев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этди.

Корея кичик ва ўрта бизнес институти президенти Ким Ин Хо тақдирот маросими очар экан, кўйидаги фикрларини таъдир иштирокчилари билан ўртоқлашди. — Марказий Осиёдаги муҳим давлат — Ўзбекистон Европа ва Осиё ўртасидаги жўрғоқий кўприк ҳисобланади, — деди у. — Ўзбекистон нефть, газ ва бошқа табиий ресурсларнинг бой захирасига эга ва у ҳақли равишда «энергетика ресурсларининг хазинаси» номини олган.

Ким Ин Хо сўзларига қараганда, халқаро ҳамжамият Ўзбекистонга нисбатан катта қизиқиш билдирмоқда ва кўпгина етакчи транснационал компаниялар Ўзбекистон бозорига киришга ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистонда кузатилаётган жадал иқтисодий ўсиш,

хусусийлаштириш жараёнининг фаол олиб борилаётгани, валюта бозорини эркинлаштириш ва энг муҳими, қўлай сармоявий инқилибнинг шаклланиши Корея компаниялари учун иқтисодий ҳамкорлик борасидаги муҳим шерик сифатида Ўзбекистон имкониятларини очиб бермоқда.

Корея Республикаси тижорат, саноат ва энергетика вазирлиги ўринбосари Ли Чжэ Хун таъкидлаганидек, буюк Амир Темур давлатининг тарихий маркази — Ўзбекистон кучли иқтисодий салоҳият ва бой маданий меросга эгадир. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларида тинчликни ва тараққиётни таъминлашда бош ролни ўйнайди.

Ли Чжэ Хун бу йил Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида

дипломатия алоқалари ўрнатилганига 16 йил тулишини қайд этди. Ана шу қисқа давр моҳиятида 6 марта бошқа олий даражадаги давлат ташрифлари амалга оширилди. Бу Осиёдаги икки халқнинг ўзаро мустаҳкам, чуқур ва дўстона муносабатлари ривожини стратегик шериклик даражасига қадар юксалтириши таъминланди.

Бугун шуни ишонч билан айтиш мумкинки, икки мамлакат Президентларининг тарихий учрашувлари, Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожланиб бораётгани ва Корея компанияларининг Ўзбекистон бозорига интилиши ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун амалда барча шарт-шароитларни яратди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Отишмалар давом этмоқда

Ливан ҳудудида жойлашган «Нахр Баред» қочоқлар лагерига фаластинлик жангарилар ва ҳукумат кучлари ўртасида отишмалар давом этмоқда. Ливан ҳарбийлари лагерни ўраб олишган бўлса-да, ҳозирча фаол ҳаракат қилинмапти. Ҳукумат ушбу зиддиятни тинч йўл билан ҳал этмоқчи.

Айни пайтда Ливанда 400 мингдан ортиқ фаластинлик қочқинликда ҳаёт кечирмоқда. Зиддият туфайли бир неча минглаб фаластинликлар лагерларни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

АҚШни ортда қолдиради

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти экспертларининг ҳулосаларига кўра, жорий йилда ЕИ ва Япония иқтисодиёти ўсиши жиҳатидан АҚШни ортда қолдиради. Масалан, бу йилда Германия иқтисодиёти 2,9 фоизга ўсиши кутилляпти. Япония ҳам экспорт ҳажмини ошириш эвазига 2,4 фоизлик ўсишга эришмоқчи.

Етакчи мурожаати

Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббас Ғазо секторидagi жангариларга мурожаат қилиб, Исроилга нисбатан ракета ҳужумини тўхтатишга чақирди.

Унинг сўзларига кўра, жангариларнинг бундай хатти-ҳаракати туфайли ҳеч нарсага эришиб бўлмайти ва бу нарса Фаластин-Исроил ўртасидаги икки томонлама ўт очишни тўхтатиш юзасидан олиб борилаётган музокараларга ҳалат беришмоқда.


Тўрт ойлик тортишувдан сўнг

АҚШ Конгрессининг иккала палатаси ҳам Ироқдаги уруш харажатлари учун 100 миллиард доллар маблағ ажратиб тўрт ойлик тортишувдан сўнг қонун лойиҳасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжатда Ироқдан мамлакат ҳарбийларини олиб чиқиш ҳақида ҳеч гап йўқ.

Эслатиб ўтамиз, ушбу қонун лойиҳаси тўрт ойдан буён Оқ уй ва Конгресс ўртасида тортишувларга сабаб бўлаётганди. Парламентда кўпчилики ташкил этувчи демократлар АҚШ ҳарбийларини жорий йилнинг октябр ойидан бошлаб келгуси йил 1 апрелга қадар ватанга қайтаришни талаб қилганди. Бироқ Оқ уй раҳбари бунга қарши вето ҳуқуқидан фойдаланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«Пахтабанк»: Мижоз манфаати – устувор



Президентимиз «Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш, уларни ишончли ҳамкор деб қарашига эришиш учун мунтазам равишда иш олиб бориш даркор» деб таъкидлаган эди.

«Пахтабанк»нинг Жондор тумани бўлими жамоаси ана шу кўрсатма ва йўл-йўриқлар асосида иш юритиб, муайян ютуқларни қўлга киритмоқда.

Банкинг кредит портфели 2,600 млн. сўмга етди. Бу кўрсаткич аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 700 млн. сўм кўпдир. Йил охирига бориб банк томонидан миқозларга яна 2-3 йўналишда кредит бериш йўлга қўйилди. Пировардда кредит портфелининг миқдори 3,5 миллиард сўмга етказилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» дастури талабларидан келиб чиқиб, банкда аҳолининг кам таъминланган қатламга имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳозиргача 14 нафар кишига 30 млн. сўмдан ортиқ маблағ берилди. Яна ўндан зиёд оилаларга мебеллар ва уй жиҳозлари сотиб олиш, чорва моллари харид қилиш ҳамда томорқа ҳўжалигини ривожлантириш учун қарий 300 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиб юлжалланмоқда.

Банк жамоаси, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Мисол учун, 2006 йилда ки-

чик корхоналарга 300 млн. сўмдан ортиқ кредит берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган 3 ойида эса бу миқдор 30 млн. сўмни ташкил этди.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, ҳозирда умумий қиймати 60 млн. сўмлик лойиҳаларни молиялаш учун қабул қилиш харажатлари охирига етказилмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш масаласи ҳам диққат марказида турибди. Жумладан, ҳар йили 2-3 та янги омонат турлари ишлаб чиқирилиб, амалиётга жорий этилаётди. Айниқса, ҳам арзон, ҳам ишончли тезкор пул ўтказмаларининг йўлга қўйилгани миқозларга маъқул бўлмоқда.

«Пахтабанк»нинг Жондор тумани бўлими жамоаси бундан буён ҳам хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, шу тарафда миқозлар ишончини қозониш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Усмон НАВРҲУЗ

«SITWET INVEST» КК

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омондор мавжуд бўлган куйидаги маҳсулотларни сотишдир:

- фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пилла, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун ҳўжаликлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).

Маҳсулотлар сертификатланган. Меҳнат ҳақи – келишилган ҳолда. Телефонлар 185-09-28, 142-50-84. Манзил Тошкент шаҳри, «Лабза» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-қўй.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 26 июнь кунини соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижроқилари бўлими томонидан 2467-68/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдими этилган Тошкент шаҳри, Серғели тумани, «Дарё бўйи» кўчаси, Жанубий санат зонасида жойлашган ва «ТЕХНО-SERA» МЧЖга тегишли, умумий майдони 10 678 кв.м.дан ташкил топган 2 қаватли база биналарини савдоларга чиқаради.

Бошланғич баҳоси – 434 663 307 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижроқилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун хариддорлар тўлов ҳужжатига ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «А с а к а» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минни банкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлашлари ва ариза топширишлари шарт. Иштирок этиш учун топшириладиган арзлар ва зақалат пулларини қабул қилиш савдода бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хужаев кўчаси, 1-уй. Телефон: 138-69-94. Лицензия ДВ001-000010.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

жорий йилнинг 30 май кунини соат 10.00 дан 18.00 гача «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг «Кристалл балрум» мажлислар залида ўтказиладиган бизнес-учрашув ҳамда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида электр-энергетика соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган семинарга таклиф этади.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўзбек ва корейлик тадбиркорлар ўртасида ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришдан иборат.

Иштирок этиш учун аризалар ушбу телефонлар орқали қабул қилинади: 150-60-04, 150-60-07, 132-09-03. E-mail: export@chamber.uz

№	Ташкилот/компания номлари	Фаолият/маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаси
1.	International Electric Co., электр-техника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг Корея уюшмаси	Электр-техника санатини ривожлантириш. Трансформаторлар, доимий ток манбалари, босимни автоматик йўналтирувчи қурилмалар.
2.	Электр-энергетика бўйича Корея корпорацияси	Электр-энергетика санатини ривожлантириш.
3.	Songam Syscom Co., Ltd	Кучланиш датчиклари ва кўнгираклари.
4.	Vitzrotech Co.,Ltd	Энергиянинг захира манбаларига кучланишни автоматик улаш қурилмалари.
5.	New Korea Electric Co.,Ltd	Турли хилдаги трансформаторлар.
6.	Shinsung Electric Industrial Co.,Ltd	Автоматик қайта улаш қурилмаси (АВП), кучланишни йўналтирувчи қурилмалар.
7.	Dong Woo Electric Corp.	Кучланиш трансформаторлари, ток трансформаторлари, диэлектрик, изоляторлар ва бошқалар.
8.	Younghwa Industrial Electric Co.,Ltd	Ўлчаш трансформаторлари, ток трансформаторлари ва кучланиш трансформаторлари
9.	Koryo Electric Wire Co.,Ltd	Кабель-ўтказгич маҳсулотлари.
10.	P&C Technologies Co.,Ltd	Электр-изоляция орқали газни тақсимлаш тизими, рақамли реле билан ҳимоялаш, рубильник, кучланишни рақамли ўлчаш қурилмалари.
11.	Entec E&E Co., Ltd	Автоматик қайта ёқиб-ўчириш қурилмаси.
12.	KwangMyung Electric Co.,Ltd	Газни тақсимлашнинг электр-изоляцияли тизими, бошқарув ва ҳимоя блоклари.

МЧЖ «СОВПЛАСТИТ» КК

таъсисчиларининг йиллик умумий йиғилиши 2007 йил 29 июнь кунини соат 15.00 да қуйидаги манзилда ўтказилишини маълум қилади: Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» шоҳқўчаси, 29-«А» уй. Маълумот учун телефон: 276-42-77.

- КУН ТАРТИБИ:
1. Корхонанинг 2006 йилдаги ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
 2. МЧЖ шаклидаги «Совпластит» қўшма корхонасини очик акциядорлик жамиятига қайта ташкил этиш.
 3. 2007 йилга бизнес-режани тасдиқлаш.
 4. Ташкилий масалалар.
 5. Бошқа масалалар.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси

қайта ишлаш корхоналарига узум хомашёси етказиб берувчи фермерлар ўртасида навбатдаги 2007 йил мавсуми учун ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда қатнашиш учун фермер ҳўжалиги тизимдаги қайта ишлаш корхоналари билан бевосита ёки агрофирмалар орқали узум хомашёси етказиб беришга шартнома тузган бўлишлари керак.

Танлов ўтказиш 3 босқичда амалга оширилади.

- I – агрофирмалар таркибидagi фермерлар ўртасида.
- II – агрофирмалар тавсия этган голиб номзодлар ва бевосита қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузган фермерлар ўртасида.
- III – компанияда ўтказиладиган қайта ишлаш корхоналари тавсия этган голиб номзодлар ўртасидаги якуний босқич.

Танловда қатнашаётган фермер ҳўжаликлари санатбон тоқзорлари майдонига кўра 3 та гуруҳга ажратилади:

- I – 1-3 гектар;
- II – 3-5 гектар;
- III – 5 гектар ва ундан ортиқ тоқзорларга эга бўлган фермерлар.

Танлов якунида 3 та гуруҳ бўйича голиблар аниқланадилар ва қуйидаги тартибда мукофотланадилар:

I-гуруҳ (1-3 гектарли тоқзорлар):

- 1-ўрин (музлатгич);
- 2-ўрин (телевизор);
- 3-ўрин (видеомагнитофон).

II-гуруҳ (3-5 гектарли тоқзорлар):

- 1-ўрин (компьютер);
- 2-ўрин (музлатгич);
- 3-ўрин (телевизор).

III-гуруҳ (5 гектар ва ундан ортиқ тоқзорлар):

- 1-ўрин (автомашина);
- 2-ўрин (5 млн. сўм);
- 3-ўрин (3 млн. сўм).

Шунингдек, қайта ишлаш корхоналарига узум хомашёси етказиб берувчи, шартнома шартларини ошири билан бажарган агрофирмалар, деҳқонлар учун ҳам қимматбаҳо совғалар таъсис этилади.

Танлов ҳақидаги батафсил маълумотларни қуйидаги телефонлар: **144-18-07, 144-04-60**

ёки вилоятлардаги қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармалари, узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар орқали олишингиз мумкин.

Р.ГЛИЭРНОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

(мактаб синфларига) 2007-2008 ўқув йилига I ва 5-синфларга ўқувчилар қабул қилишини эълон қилади.

Ҳужжатлар 2007 йил 25 майдан 8 июнга қадар қабул қилинади. Маслаҳат кунлари – 1 июндан 8 июнга қадар ҳар кун соат 9.00 дан 12.00 гача ва 17.00 дан 19.00 гача.

Қабул имтиҳонлари 9 ва 10 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Манзилимиз: Тошкент ш., С.Раҳимов тумани, Саидова к., 4-уй. Телефон: 246-03-24. Транспорт: 28, 76, 131, 87, 34-автобуслар, 2, 4-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти «Мир-Бек-Кож» шўба корхонаси «Мир-Бек-Кож» ўқув ишлаб чиқариш корхонаси маъсуляти чекланган жамиятига қайта ташкил этилди. Маълумот учун телефон: 55-65-59, 274-89-19.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси шу қўмитада доимий асосда ишловчи сенатор Ҳамрош Шодиевага волидин муҳтарамаси. Маҳкам ая НОРБЕКОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Узкоммунхизмат» агентлиги жамоаси агентлик бош директори Ўткур Ҳолмухамедовага падали бузруковори ОЧИЛ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Кўнгил хиёбони

Аслида, инсоннинг ҳар қандай мулки — дахлсиз. Кўнгил мулки эса — мутлақо дахлсиз бўлмоғи керак. Шу мулкнинг дахлсиз-даҳлсиз кенгликлариди шундай хиёбон борки, киши унда ёлғиз ўзи сайр этмоқ имконига эга. Фақат шу хилқатда инсон учқур қабилининг мутлақ эгасига айлана олади. Бу — Кўнгил хиёбони.

Шу икки сўзнинг бириктирилган тамоман ажойиб бир яхлит тушунича юзага келади. Тилимиздаги «юррак», «қалб» «дил», «ич» каби сўзлар ҳам кўнгилга яқин. Бироқ ҳар бирининг ўрни бир бошқача. Уларнинг ҳеч бири «кўнгил»нинг нозикликларини тўлиқ ифода қила олмайди. Хиёбон дейилгани, демак, унда гул бор, чаман бор. Бироқ бу макон тиканлару, ҳазонлардан ҳам холи бўла олмайди. Бу ғўшада одам завқ-шавқи, ҳис-ғуйуси, қувонч-ташвиши, ғам-қулфати, қаёл-

хотираси, орау-армонлари... билан бирга бўлади. Аксаран кўнгилда кечадиган ҳис фикр-туйғулар ҳам шу хиёбонда куртак отади. Муҳтарам Юрбошимиз Нақшбанд ҳазратларининг зиёратгоҳи асл ҳолига келтириш вақтида: «Ободлик кўнгилдан бошланади», — деган нури даъватни ўртага ташлаган. Бу — бежиз эмас. Кўнгил обод бўлса, дунё обод бўлади. «Дилингни дунбингдан покроқ тут», — деган ҳикмат теран маънога эга.

Газетамизнинг янги очилган саҳифасига айнан шунинг учун «Кўнгил хиёбони» деб ном бердик. Келинг, муҳтарам газеткон, ҳаёт гултожи ҳисобланган ИНСОН қалбининг хос хонаси бўлмиш шу хиёбонга назар ташлайлик, ўз кўнгил хиёбонимизга кириб бориб, ундаги инжа сифатларни парварши қилайлик, шу мўъжаз маконда бирга сайр этайлик.

Кўнгил кўнгиллар нашъу намосидан баҳраманд бўлинг.

ТАХРИРИЯТ.

Алишер Навоийнинг кўп ғазаллари лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, унинг ёр ҳажрида чекаётган изтироблари ва аламлари, юрагини тўлдирган ишқ дарди тўғёнлари тасвирга бағишланган. Уларда ёр ҳуснининг тавсифи ва таърифи кўринмайди. Аммо ўша ғўшалик тугдирган севги ўтида куйиб ёнаётган аянчли аҳволи тасвирланади.

Агар бирор хабарчи ёр тўғрисида сўз топиб ошшқа етказса, ошшқ қосиднинг бу гапни тинмай такрорламоғини тилайди:

*Қосидеким, ёрдин бир сўз ривоят айласа
Истарам сўрғон сойи бошдан ҳикоят айласа.*

Ғазал бошидаги шу мавзу кейинги байтларда ўз давомини топа боради. Ошшқ гоҳо ўзига келади, гоҳо яна ўзини йўқотади. Бундай ҳолат қачонки, бирор киши ёр тўғрисида сўзласа муттасил пайдо бўлаверади:

*Телбалар янглиғ гоҳо ўз ҳолимидирмен, гоҳо йўқ
Ул пардин ҳар киши бир сўз ривоят айласа.*

Лирик қаҳрамон ўз кўнгилга мурожаат қилади. Ғўё бу кўнгилнинг охи тошичи суғга айлантириб юборар дарахда кучлидир. Бу сўзнинг чин бўлар эди, дейди у ўз кўнгилга, агарда бу оҳ ўша ёр кўнгилга



Бир ғазал шарҳи

СЕВГИ ВА ШУКРОНА

таъсир қила олганида. Ваҳоланки, бундай эмас:

*Эй кўнгул, оҳиени дерексим, сўз айлар тошини
Чин эрур, гар кўнгулга ошинг сироят айласа.*

Ошиқнинг дардли аҳволи, бу аҳволнинг қанчалар аянчли экани келгуси байтда янада очикроқ кўринади. Ошиқнинг жонига бир доғ кифо. У ҳар нафас етиб туради. Бу ҳол бир дирам билан қаноат қилувчининг аҳволига ўшаб кетади:

*Жонга босдур ҳар нафас бир доғ,
невчун бўласун
Қонек улким бир дирам ҳар дам кифоя айласа.*

Ошиқ аҳволи оғирлигининг тасвири энди унинг Мажнунча қиёфасида кўринади. Мажнуннинг ошиқлиги шўхрат топиб кетган. Лекин менинг қиссам эса кенг ёйилган эмас, дейди лирик қаҳрамон. Чунки менинг фасонами эшита бошлаган одам ўша заҳоти ўлган бўлар эди:

*Топти Мажнун шўхрату қолди
менинг қиссам ниҳон
Ким уллар ҳар ким фасонами бидоят айласа.*

Лирик қаҳрамоннинг юрагида дардлар кўп. Лекин уни ҳимоя қилувчи куч бор эди. Аммо бу куч уни ҳимоясига олмади. Бу пири дайр (майхона

пири). У бир қадах тутиб ҳазинликка берилиб кетган ошиқни сақлаб қола олмади:

*Ғам ситоҳ қасдиме тортибдур,
не бўлди пири дайр
Бир қадах бирла бу маҳзуни ҳимоят айласа.*

Бу ғазалнинг якуловчи байтида Навоий ўз ўқувчисини ҳамда лирик қаҳрамонини шукронага чақиради, ҳеч қандай шикоятга ўрин бўлмастлигини унга тушунтиради. Фақрдан етган юз ғам ҳам шукрга боис бўлмоғи керак:

*Эй Навоий, факрдин бебаҳрадор юз ғам етиб
Салки ким, шукр боринда шикоят айласа.*

Имон эгаси бўлган ёки унга даъво қилган солик (йўлчи) фақат шукрона билан яшасоғи лозим. Демак, ушбу ғазал гарчи мажозий севги, ғўзал ёрға жону дили билан берилган севгучи юрагида ҳис-туйғулар, изтироб ва дардлар изхори билан тўла бўлса-да, шоир ўша севгучини шукрга ундайди, шикоятдан сақланмоққа чақиради.

Азиз ҚАЙМОВ,
академик.

Саломатлик

■ Қаттиқ зардобига май-даланган шивитни (укроп) аралаштириб ичинг. Асабни тинчлантириб, қон босими пасайишига ёрдам беради. Тинимли уйкуга мойиллик яратади.

Қон босими ошганда...

■ Шотут ва унинг шарбати, апельсин, лимон, лавлаги шарбати, анорнинг қизил, қозоқи, оқдона навларини истеъмол қилиш ҳам фойдалидир.

■ Кийикўтнинг салқин жойда қуритилган гуллари, баргидан қайноқ сувда икки чой қошиқ солиниб, дамланади ва чой сифатида ичилади.

■ Шовул кўкати, равочининг илдиз шарбати, ҳали данаги қотмаган ўрик довуҷалари қон босимини тушириш, қонни бирмунча суялтириш хусусиятига эга.

■ Пишмаған узум «ғўроб» и иштахани очибгина қолмай, балки қон босими ошишининг олдини олади.

■ Икки ош қошиқ қуритилган дўлана мевалари ёки гуллари устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, паст алангада 10 дақиқа қайнатилди. Соғинач, доқдан сузилиб, бир ош қошиқдан кунига уч маҳал ичилади.

■ Арслонқўйруқ ўтидан (дорихоналарда «Трава пустырника») тайёрланган дамлама ҳам овқатлашдан ярим соат олдин чорак стакандан кунига 3-4 маҳал ичилади, олам гулистон.

■ Уй шароитида лимонўтдан 20 грамм олиб, устига 200 грамм қайноқ сув қуйилади ва ўраб қуйилади. Дамлама соғинач, ош қошиқда кунига 5-6 маҳал ичилади.

Маннон НАБИЕВ,
доришunos олим.
Оқил ИСҲОҚОВ,
тиббий фанлари доктори, профессор.

Эй, умри азиз...

Кубро сўзини биз кўпроқ Шайх Нажмиддин Кубро тахаллусидан биламиз. Аслида, Самарқанду Бухоро тарафларида кўп учрайдиган қизларга қўйиладиган Кубро, Кибриё исмлари ҳам — шунинг ўзгарган бир шакли. Уғил болаларга қўйиладиган Кабир исми ҳам — шу сўзнинг кўриниши. Бу катта, улкан, улуг, буюк деган маънони беради. Африкадаги энг улкан чўл бекорга Саҳройи кабир дейилмайди-да.



ОЛАМИ КУБРО

Кадим Шарҳ фалсафасида олам иккига бўлинади. Бутун борлик — олами кубро, яъни катта олам, инсон эса — олами кабро, яъни кичик олам деб ҳисобланади. Чунки бутун борликда мавжуд жамики моддалару хусусиятлар одамда ҳам жамулжам-да.

Буюк Алишер Навоий шу қоидаи бузудни: у бутун борликни — кичик олам, инсонни — катта олам дейди:

*Салқ анн ариш муалло деди,
Суфий ани олами кубро деди.*

Нега? Чунки инсонда КўНГИЛ бор!

Оллоҳ бутун оламнио одамни яратиб бўлганидан кейин: «Кел, сиримни ана шу ўзим бунёд этган нарсалардан биронтасига бериб қўй, токи унда ўзимни кўриб турсам», — деб, бундоқ қараса, унинг сирини на Қўёш на Ой, на Ер на кўк, на ҳайвоноту на наботот... қабул қила олар экан. Сабаби — уларда Оллоҳнинг сирини ўзида акс эттира оладиган ҳеч нарса йўқ. Бу фақат ва фақат инсондагина мавжуд. Чунки инсонда Оллоҳнинг сирини талжалли айлайдиган ойна — кўзга бор.

Ҳадисдан
«Киши баданида бир парча гўшт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгайди, агар у бузилса, аъзоларнинг барчаси бузилгайди. У қалбдир!»

«Хайрат ул-аббор» достонининг «Кўнгул таърифида...» бобида шоир одамни гулистон, унинг баданига кирган руҳни ана шу гулистон аро эган шабадага ўшатади. Аммо руҳнинг бадан гулистонига киритилишидан қўзланган бош мақсад бошқа бирон-бир гул эмас, айнан кўнгил эди:

*Эрмас эди анда гараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулим, гараз эрди кўнгул.*

Шоирнинг инсонпарварлиги дараҳасини қаранг, кўнгилсе-варлиги миқёсини кўринки, у инсон кўнглини Мақдадаги Каъбадан ҳам баланд қўяди:

*Қаъбаки, оламнинг ўлуб қилбаси,
Қаъри йўқ андоқки, кўнгул қаъбаси.*

Бунга етарли мантқиқий асоси ҳам бор — Қаъба, албатта, ҳалойиқ у-ун саждагоҳ, лекин кўнгил олдида қадри йўқлиги шундаки, кўнгилда Оллоҳнинг ўзи жишва қилади-да:

*Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири Халойиққа эрур жишвагоҳ.*

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган сўзлари заминда олам-олам маъно ётибди. У аср-асрлик мултоз маънавиятимизга асосланиб туриб айтилган. Алишер Навоийнинг бутун ижоди ана шу Оллоҳ акс этадиган улуг даргоҳ — кўнгилни поклаш йўл-йўриқларини батафсил тасвирлашга бағишланган, десак, му-болага бўлмас.

Шунинг учун ҳам замонасида одамлар уни чинакам ошшқ, кўнгли кўзи пок зот деб билган:

*Ошиқ тамноқ дегайлар бари,
Кўнгли кўзи пок дегайлар бари.*

Бироқ шундай мусаффо хилқатнинг ҳам ўз кўнгли пок-лигидан хавотирли бор, чунки кўнглининг ашаддий душмани бўлмиш нафс кургур унда ҳам мавжуд-ку:

*Кўзи ўқш савй ила забт этмаен,
Этса кўнгул забтоқчи иш, негмаен?!*

Демак, кўнглини поклаш нафсга қарши кураш нафсоният-ни енгиш орқали кенди.

Кўнгил — инсонийликнинг асл мезони, чинакам тарозиси. Шундай экан, маънавий тарбиятни, комил инсон ғоясини, маълум маънода, кўнгил тарбияси деб ҳам англаш керак.

Ўз кўнглимизни поклаб, ўзгалар кўнглини асраш — буюк инсоний бурчимиз.

Султонмурод ОЛИМ.

Болалигим — пошшологим!

Чумоли

*Бели қилдай бўлса ҳам,
Тилиб-тинчмас бир дам.
Дона бугдойни сундор,
Ошади тоғ-у қирдан.*

*Меҳнатқашаги билан
Лола қолдирган ҳаммани.
Талаб кетди, лек бизнинг
Омбордаги ғаллани.*

*Қани айттинг, шу ишни
Бўладими тўғри деб?
Бизлар унга ном қўйдик,
«Меҳнатсевар ўғри» деб.*

Кирпининг эълони

*Бу — бозор иқтисоди,
Нарх-наво бироз қиммат.
Арзон иена керакми,
Мендан сўранг,
марҳамат!*

*Бола-чақа боқшининг
Бўлмаскан, ахар ўзи.
Арзобилин сабаби —
Испанининг йўқдир кўзи!*

Кўзи очилди

*Кўрсанқоп
«мен кўрман», деб
Юрган экан ўзини.
Мушугимиз тугтвалиб,
Мошдай очди кўзини!*

Ориф ТўХТАШ.

Уйқу ва руҳият

Сиз ўзингизнинг руҳий ҳолатингизни билмоқчимисиз? Марҳамат! Бундан осони йўқ, — дейди француз психологи Пьер Даво. — Одамнинг руҳий ҳолати унинг қандай ухлаганига боғлиқ.

- Агар қорни билан ётса, демак уни кўнгилсизликлар, ишдаги нохушлиқлар қийнапти.
- Ғужанак бўлиб ётадиган одам ёлғизликдан қийналиб, суянчиқ излаган бўлади.
- Осмонга қараб ётадиганлар мағрур ва иродали, ўз мақсадлари йўлида курашувчан.
- Ёстиқ кучоқлаб ётадиганлар чинакам муҳаббатга муҳтож.
- Ўнг ёнбоши билан ётса, ишда қатъий ишончи бор. Чап ёнбоши билан ётадиганлар иход кишиларидир.

М. АБДУСАЛОМОВ
тайёрлади.



Агар сиз...

Совға беришса...

Айтишларига қараганда, кимдир совға беришни яхши кўрса, кимдир совға олишни ёқтирар экан. Совға инсон руҳига кириб боради. Сизга у совға берган кишини кўп вақт эслатиб туради. Демак, совға берганда чиндан қувонмоқ керак. Бизнинг одалар бўйича, негадир, совға берилган пайтнинг ўзида уни очиб кўриб, ташақкур билдирилмайди. Европада аксинча, совға ўша пайти очиб кўрилади ва миннатдорчилик билдирилади. Шундай экан, совганинг нималиги катта аҳамиятга эга.



Мақтасалар...

Мақтовни ёқтирмайдиган киши бўлма-са керак. Сизни мақтаётган киши ютуқларингиздан қувонапти. Демак, у сизга дўст. Мақтов маълум маънода сиз бажарган иш, кўрсатган хайрихоҳлигингиз, эътиборингиз ва бошқа ижобий хатти-ҳаракатингизга берилган рағбат, баҳодир. Чин дилдан ай-тилган мақтов сизга ёқиб тушади, кўнглин-гизда майин туйғулар уйғотади ва сизни

мақтаётган кишига нисбатан фикрингизни яхшилайди. Аммо, мақтовнинг сохта кўри-ниши ҳам йўқ эмас. Демак, сизни нима учун мақтаётганини ўз таҳлилнингиздан ўтказиб қўйишни унутманг. Пуш мақтовларга учиб, қадрингизга путур етказманг, акс ҳолда, кейинчалик руҳан қийналасиз.

М. ЙЎЛДОШЕВ.

«Охири бир кун келасан-ку!»

Умирбек лаққи бозордан янги теллак олиб, кийиб юрган экан, бир ўғри бошидаги теллакни олиб қочибди. Лаққи ҳар қанча қувмасин, ўғрини тутолмабди.

Бозорчилар тушдан кейин бозор-ўчарни тамом-лаб, уй-уйига тарқалиб кетаётсалар, қабристон дарвозаси олдида ўтирган Умирбекни кўришибди.

— Ҳа, Умирбек, нима қилиб ўтирибсан?
— Боя бозорда бир лаънати ўғри теллагимни олиб қочган эди. Қанча югурсам ҳам, изидан етол-мадим. Барибир, кунларнинг бир куннда охири шу ерга келасан-ку, деб қутиб ўтирганим шу...

Шароф УСНАТДИНОВ,
Қорақалпоқ адibi.

Эр-хотин хиёбонга сайр қилгани чиқши-ди.

Эри қизлардан кўзини узамётгани-гини кўрган хотиннинг жаҳли чиқди:
— Ҳар сафар бирорта оймачани кўриб қолсангиз, уйланганингиз ҳам эсингиздан чиқиб кетади-я!

— Аксинча, жонганим, айнан шундай пайтларда уйланганим эсимга тушиб кетади.

— Айтинг-чи, соат неча бўлди?
— Соатим йўқ,
— Билганингиздаги нима?
— Компас.
— Унда шимол қайқадалигини айтиб ю-борлаймизми?

— Кел машина сотиб оламиз. Бир маз-за қилиб дунёни айланардик, — деди пий-ниста эр.

— Қайси дунёни? — деди хотини ҳозир-жавоблик билан.

...
Ўғрилар хонадонда ўғирлик қилишга тгани-да кимдир ташқаридан эшикни очиб бошлади.

Биринчи ўғри:
— Кетдик, ўзимизни деразадан ташлаймиз. Иккинчи ўғри:
— Эсингни едингми? Ахир, 13-қаватдамыз. Биринчи ўғри:
— Ҳозир ирим қилиб ўтирадиган вақт эмас.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Т — 456. 33493 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мижтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортоқов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарҳ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 21.10 Топширилди — 22.55 2 3 4 5 6

t - Тижорат материали

Сирожиддин САЙИД